2006 YIL 30 MAY, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 65 (7.058). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон кумуш медал соҳиби



(4-саҳифада)

Кўнгилга сайр

(4-саҳифада)



Дунё саҳнасида

(2-саҳифада)

### Куннинг муҳим воқеалари

● Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда суд ҳокимиятининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● 2006 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Келишув процедуралари" мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

● Яқинда «Тошкентлэнд» боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири ташкил этилди.

● Янгийўл туманида 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Спорт баҳори» деб номланган катта байрам тадбири уюштирилди.

● Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» стадионида «Қудратимиз - дўстлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

● Фарғонада "Қудратимиз – дўстлик ва ҳамжиҳатликда" шиори остида фестивал бўлди.

● Бухоро вилояти пиллачилари давлатга пилла сотиш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига икки ярим минг тоннадан зиёд хомашё етказиб берилди.

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами олдидан Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан республика китоб байрами ўтказилди.

● Навоий вилоятида 1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят Қизил Ярим Ой жамияти ана шу санага бағишлаб хайрия концерти ташкил этди.

● Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти билан ҳамкорликда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлашнинг илмий-педагогик асосларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

● Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида "Диний маърифат ва қадриятлар – маънавиятимиз асоси" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.



Қоракўл туманидаги "Қоракўлтекс" қўшма корхонаси 2001 йили иш бошлаган бўлиб, икки йилдан сўнг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилди. Натижада 460 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхонада иш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, пахта толаси шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот кўринишига келади. Ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги трикотаж ҳамда спорт кийим-кечакларининг сифати юқори.

СУРАТДА: йигирув цехи моҳир оператори Хуршида Бердиева.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

*Мавсум*

# Зарбдор кунлар масъулияти

***Бу йилги об-ҳаво шароити деҳқону соҳибкорларимизни яна бир бор синовдан ўтказмоқда. Қиш ва баҳор ойларининг қуруқ келиши, ерда намликнинг меъёридан камлиги ғўза ривожига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ғўза қатор ораларига ишлов беришда ишчи органларнинг тўлиқлиги ҳамда культивация сифатига алоҳида эътибор талаб этилади***

Ҳозирги кунда мутахассислар тавсия этаётган чуқур ишлов – яъни қатор ораларини 60-70 сантиметр чуқурликда юмшатиш (рихлиния) тупроқда намликни сақлашда яхши самара беради. Чунки бундай ишлов берилганда ер нафас олади, тупроқ майинлашади ва ўзида намни узоқ вақт сақлаб туради. Ернинг механик таркиби қанча енгил ва тупроқ унумдор бўлса, нам сақлаш даражаси ҳам шунча ортади. Бу йилги шароитда ана шу усул ғўзани тез чанқаб қолишидан асрайди.

Бундан ташқари, ғўза илдиз системасининг ривожланиши, ўсиши, ҳосил олишининг тезлашишида ҳам чуқур ишловнинг аҳамияти катта. Бунда бегона ўтлар йўқолади, сув чуқурга кетади, ғўза тез чанқамайди. Бу йилги шароитда ишлов пайтида ғўза бўғзига тупроқ бериш усулини қўллаш зарур. Бунда ҳам ғўза ўзида намни узоқ вақт сақлаб туради.

Ҳозир бизнинг мавземиздаги 202 та фермер хўжалигининг 1251 гектар майдонида парваришланаётган ғўзаларда 7-8 та шона пайдо бўлган. Чунки бу далаларда биз 2 марта сифатли культивация ўтказдик. Махсус мосламалар орқали ғўзаларга 2 марта суспензия сепдик. 34 та культиватор, 4 та чуқур юмшаткич, 2 та ОВХ ва 2 та суспензия сепиш мосламаси кучидан унумли фойдаланмоқдамиз.

**Йўлдош МАРДОНОВ,**
**Касби туманидаги "Шаҳаржўй техника таянчи" муқобил МТП раҳбари.**

***

Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмас экан. Ўзимдан қиёс, ўн йилдан бери механизаторман. МТЗ-80 "Белорус" тракторим бор. Баҳорда чигит экаман, культивация қиламан, пахта ташийман, ер ҳайдайман. Касби-корим орқасидан бола-чақамнинг усти бут, қорни тўқ.

Механизаторлар кўп. Лекин ҳаммаси ҳам чигитни сифатли эколмайди. Биринчи культивацияни кўпчилик менга топширади. Мақтанмайману, лекин бу ишларнинг ҳадисини олганман. Шу кунларда тиним билмаймиз, ғўза қатор ораларига ишлов бериш туну кун давом этаяпти. Эрта тонгдан даладамиз. Даромад ҳам шу меҳнатга яраша бўляпти. Масалан, чигит экишдан олдин 50 минг сўмдан олган эдик. Доимий иш жойим – "Сурхон" фермер хўжалигида ойлигим ўртача 70 минг сўм. Ундан ташқари, бошқаларга ёрдам бераман, олаётган маошим рўзғорга етади, томорқам, мол-ҳолим бор. Умуман, иқтисодни тиклаб олганман. Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнатим туфайли.

Айни пайтда беш-олти кун ҳузур-ҳаловатдан, уйқудан воз кечсак, кузда баракали ҳосил оламиз. Тўғриси, ўзим ишлов берган майдонларда ғўзанинг барқ уриб ўсаётганини кўриб касбимдан фахрланаман. Бу кучимга куч қўшади, иш унумини янада оширишга ундайди.

**Одил МАҲМАДАЛИЕВ,**
**Ховос туманидаги "Сурхон" фермер хўжалиги механизатори.**

# Моддий рағбат - тараққиётга қанот

***Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, кейинги вақтларда энг долзарб тармоқ – қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилганлиги соҳа ривожида туб бурилишни юзага келтирди. Бу - Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги кўплаб ҳаётбахш Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳани такомиллаштиришга оид қарорлари ижроси чинакамига таъминланаётгани билан изоҳланади.***

Ҳеч кимга сир эмас. Бундан 3-4 йил муқаддам қишлоқ хўжалиги катта қийинчиликлар исканжасида қолиб, соҳанинг қаттиқ азият чекканлигини оддий деҳқондан тортиб раҳбарларгача яхши билади. Жумладан, кечиктириб бўлмайдиган долзарб тадбирлар учун, масалан, ёқилғи-мойлаш, минерал ўғит маҳсулотлари ҳамда эҳтиёт қисмларни зудлик билан олишда банклардан ўз вақтида маблағ масаласини ҳал этишда қандайдир тушуниб бўлмайдиган номутаносибликлар мавжуд эди. Аниқроғи, 23204 ҳисоб рақамига хўжалик юритиш учун Тошкентдан мақсадли пул ажратмаси келарди. Агар пул МТПга ажратилган бўлса, уни энг зарур ҳолатда ҳам бошқа мақсадда ишлатиб бўлмасди. Раҳбарнинг бунга мутлақо ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Натижада ёқилғи йўқлигидан культиватор тўхтаб турарди. Ёқилғи топилиб, ғўза қатор ораларига ишлов бериш имконияти пайдо бўлган вақтда эса ер аллақачон қотиб қоларди, кейин кесак кўчар, ишлов кечикиб кетганлиги боис сифатсиз чиқарди. Бундан ғўза илдизлари қаттиқ шикастланарди. Оқибатда эса ҳосилдорлик ҳар йили ўз-ўзидан 5-6 центнергача камайиб кетарди. Банклардан нақд пул олишда аксарият ҳолларда муаммога дуч келиниши дала меҳнаткашларига ярим йиллаб иш ҳақини тўлашга монелик қиларди. Моддий манфаатдорликнинг бўлмаслиги эса даладаги барча ишларнинг сустлашиб кетишига олиб келарди.

Шукрки, куракда турмайдиган "тартиб"ларнинг бекор қилиниши ширкат ва фермер хўжаликлари оёғидаги тушовларни ечиб ташлади. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида давлатга пахта сотиш режасининг Ўзбекистон тарихида биринчи марта октябр ойида уддаланганлиги бу борада деҳқонларимизга ҳукуматимиз томонидан яратилган улкан имкониятларнинг ёрқин самараси бўлди. Бу кўп жиҳатдан ширкатлар ва фермерларнинг давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид баҳосининг 50 фоизи миқдорида эркин кредит олиш имкониятларининг яратилганлиги билан изоҳланади. Эндиликда хўжалик ёки фермер зарур бўлган маҳсулотни, у нефт маҳсулотлари бўладими, ўғит ёки эҳтиёт қисмми ёки иш ҳақими – керак деб ҳисобланган маблағни ўз вақтида расмийлаштириб, истаган пайтида бемалол олмоқда.

*Эътироф*

Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаб, бу борада алоҳида фаоллик кўрсатаётган республика Марказий банкининг Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидаги барча тижорат муассасалари хизматидан воҳамиз меҳнат аҳли беҳад миннатдор бўлмоқда. Зеро, пул муаммосининг эркин ҳал бўлиши муносабати билан қишлоқ хўжалигидаги барча ишлар ўз маромига тушди. Бугун соҳадаги барча агротехник тадбирларнинг ўз муддатида сифатли амалга оширилаётганлиги, қўлга киритилаётган ютуқлар омили ҳам мана шу эркинлик билан чамбарчас боғлиқ. Бу ишлар ҳали яна каттадан-катта муваффақиятларга омил бўлиши шубҳасиз. Чунки моддий манфаатдорликнинг кучайтирилганлиги дала меҳнаткашларининг меҳнатга бўлган меҳр ва иштиёқларини кучайтирмоқда. Бу билан пилла, ғалла, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 255-сонли қарорига асосан боғ ва узумзорларнинг хусусийлаштириб берилиши ҳам мамлакатимизда боғдорчилик соҳасида мисли кўрилмаган катта ўзгаришларга асос солди.

Бу ҳужжат боғ ва узум маҳсулотларининг кескин ошишини таъминлаш билан бир қаторда соҳибкорлар манфаатдорлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Ўрни келганда яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Президентимизнинг қишлоқда яшовчи кам таъминланган оилаларга ёрдам сифатида бир бошдан сигир тақдим этиш, хусусий чорвачилик хўжаликларини ривожлантиришга оид 308-сонли қарори халқимизни беҳад қувонтирмоқда. Қишлоқларда ветеринария хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, чорва моллари зотини яхшилаш борасида мамлакат миқёсида амалий-тадбирий дастурлар ишлаб чиқилди. Бу борада ҳам тижорат банклари катта ишларни амалга оширмоқдалар. Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳбарлигида халқимиз бахт-саодати, фаровон ҳаёти учун шижоат билан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг ҳаётимиздаги аниқ-равшан ифодасидир.

**Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика пахтачилик муаммоларини ҳал қилиш кенгаши раиси, Денов туманидаги "Элита-ғалла уруғчилик" хўжалиги бошқаруви раиси.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Уста деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг юқоридаги мақоласида қишлоқ хўжалигида илгари мавжуд бўлган бир қатор иқтисодий муаммоларнинг бартараф этилиши соҳанинг бугунги ривожида катта аҳамият касб этаётганлиги холис эътироф этилган. Унда Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг тасарруфидаги тижорат муассасалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ибратли бўлаётганлиги алоҳида таъкидланган. Шу муносабат билан вилоятдаги молиявий муассасалар ҳаётидан тайёрланган мақолаларни газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

# Муносиблар сайланмоқда

***Шаҳрихон тумани Андижон вилоятининг аҳолиси энг зич ҳудудларидан саналади. Туманда 12 та қишлоқ ва 75 та фуқаролар йиғинлари бор. "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ана шулардан бири. Бу ерда бўлиб ўтган йиғин раиси ва унинг маслаҳатчиси сайловида вакиллар очиқ овоз бериш йўли билан Хурибой Акбаровни яна оқсоқолликка сайлашди.***

*Бугуннинг гапи*

Биз маҳалла аҳлидан бунинг сирини сўраганимизда, жавоб шу бўлдики, эл кимнинг кимлигини билади. Демак, Хурибой Акбаров маҳаллага суянади. Маҳалла аҳли эса оқсоқолига ишонч билан боқади.

Шу йилнинг бошида туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер ишлари комиссияси маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан ҳамжиҳатликда кўп йиллардан буён ечимини кутаётган муаммога тўхталишди.

Ўша машваратда Хурибой Акбаров ажратилаётган ер участкасини маҳалла доирасида ҳал этиш зарурлигини айтди. Унинг бу таклифида жон бор эди. Чунки кимнинг ер участкасига эҳтиёжи борлигини ва биринчи навбатда қайси оиланинг талаби қондирилишини қўни-қўшнилардан кўра ҳеч ким яхши билмайди. Таклиф туман ҳокимлиги томонидан ижобий қабул қилинди. Туман бўйича ажратилган 1487 та ер участкаси маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғини кенгашлари тавсиялари асосида эҳтиёжталаб оилаларга ажратиб берилди. Бундан барча бирдек хурсанд бўлди. Энг муҳими, ўртада биров-біровдан гина қилмади.

Хурибой Акбаров айни кунларда маҳаллада ҳунармандчилик ва касаначилик ишини ривожлантириш ташвишида. Сайлов куни вакиллар маҳалла дарвозасини ўз кучлари билан қуриш таклифи билан чиқишди. Маҳалла оқсоқоли ана шу таклиф доирасида шарқона кўринишда маҳалла дарвозасини қуришни бошлаб юборди...

(Давоми 2-бетда)




# Ғаллага ўроқ тушди



***Сурхондарё вилоятида жорий йилда 95 минг гектар суғориладиган, 4200 гектар лалми ерда ғалла етиштирилди. Энди ҳамма гап ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда.***

*Хабар*

Бу йилги ўрим-йиғимда 146 "Кейс", 70 та Россия ва Германиядан келтирилган "Класс" замонавий русумдаги комбайнлар иштирок этади. Ғалла ўримини вилоятда уюшқоқлик билан олиб бориш учун бир неча ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ҳозирда Ангор, Қумқўрғон, Сариосиё, Қизириқ, Шеробод, Жарқўрғон, Музработ туманларида ўрим юқори суръатлар билан бошлаб юборилди.

Комбайнчилар, техник хизматчилар, ишчилар, ҳайдовчилар моддий таъминотига алоҳида эътибор қаратилаётгани иш суръатининг ошишига омил бўлмоқда.

Вилоят ғаллакорлари 400,4 минг тонна дон янчиб олишни режалаштиришган.

**М.ОЛЛОМУРОДОВ**

